

РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИ

Қ. Р. Рахмонов – и.ф.н., доцент; Б. Б. Алиханов – ассистент, З. С. Файзуллаев – магистрант.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалигига солиқ солиш тажрибаси, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатадиган солиқ тизими маълум даражада ўрганиб чиқилди. Бир қатор давлатларда қўлланилаётган турли солиқ тизими билан боғлиқ концептуал ва амалий муаммолар таҳлил қилинди. Ҳозирда асосий муаммолардан бири қишлоқ хўжалигининг ҳақиқий даромадларини баҳолашдир. Кўпгина мамлакатларда қишлоқ хўжалиги йўналишида даромадларни кўтариш мумкин, аммо уларни самарали амалга оширилиши мамлакатнинг сиёсий ва маъмурий эътиборига узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, мақолада хорижий тажрибалар таҳлили асосида республикамизда ер солиғи механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.

Кириш. Ушбу тадқиқот ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига таъсир кўрсатадиган солиқ тизими нуқтаи назаридан қишлоқ хўжалигида ер солиғи тажрибасини ўрганишга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги кўплаб ривожланаётган мамлакатларда саноат ўсишини таъминлаш ва қишлоқ аҳолисининг қашшоқлик даражасини пасайтириш учун муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалигининг ортиқча самара бермайдиган қисмини саноат (шаҳарлар) га ўтказиш ва даромадни ошириш мумкин, аммо қатор мамлакатларда қишлоқ хўжалиги нарх ва экспорт орқали катта миқдорда солиққа тортилмоқда. Ушбу ёндашув қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатганлигига далиллар мавжуд.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигига бевосита солиқ солишнинг турли вариантлари мавжуд, бу эса рағбатлантириш ва тенгликни сақлаш ҳамда катта даромад олиш имконини беради. Ушбу тадқиқот натижаларини баҳолашда иккита муҳим ҳолатни ёдда тутиш керак. Биринчидан, солиқ тизими ва унинг бошқаруви кўпинча муайян маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муҳитнинг бир қисмидир ва улар жамият ва иқтисодиётнинг янги талаб ва эҳтиёжлари билан ўзгаради. Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бевосита солиқлар бўйича адабиётлар ҳамда ривожланаётган мамлакатларда солиқ тизими ва солиқ маъмуриятчилиги тўғрисидаги махсус маълумотлар чекланган ва ушбу маълумотлардан фойдаланиш анча мушкулдир.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бевосита ва билвосита солиқларга таъриф берамиз. Ҳар бир давлат мамлакат харажатларини молиялаштириш мақсадида турли солиқлар жорий этади. Шунини таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалигидаги ортиқча ва самараси кам бўлган ресурсларни бошқа секторларга ўтказиш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги даромадларини қайта тақсимланиши каби йўналишларни инобатга олган ҳолда солиқ механизмларини жорий этилиши мамлакатда нафақат қишлоқ хўжалиги балки бошқа тармоқларнинг ҳам ривожланишига хизмат қилади. Ривожланмаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини солиқ тизимида асосан тўртта муаммо мавжуд. Биринчидан, солиққа тортишнинг жуда кўп ва қарама-қарши мақсадларнинг мавжудлиги. Иккинчидан, мақсадлар ўртасидаги устуворликда аниқлик ёки шаффофлик етишмаслиги.

Учинчидан, айрим солиқ механизмлари иктисодиётда самарадорликка салбий таъсир кўрсатиши. Тўртинчидан эса, жиддий сиёсий ва маъмурий чекловлар мавжудлиги. Қишлоқ хўжалигига солиқ солишнинг устувор мақсадлари давлат даромадларини шакллантириш ва ресурсларнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигидан иктисодиётнинг бошқа тармоқларига ўтказишдир. Қишлоқ хўжалигига солиқ солишнинг бундай кўриниши Иккинчи жаҳон урушидан сўнг илдиз отган, давлатлар томонидан қабул қилинган ривожлантириш стратегияларидан келиб чиқиб ҳукуматлар томонидан саноатни ривожлантириш учун тез капитал шакллантириш мақсадида ҳукуматнинг атайин ва тизимли аралашуви натижасида қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ресурслар саноат мақсадлари учун сарфланган. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига солиқ юқининг катта қисми валюта курсларини юқори баҳолаш, ҳар хил тўсиқлар, номутаносиб импорт тарифлари каби солиқларни ўз ичига олган яширин солиқлар ҳиссасига тўғри келган. Ушбу сиёсий воситалар қишлоқ хўжалиги даромадларини бошқа секторлар ўртасида тақсимланишга хизмат қилган, фақат маркетинг ташкилотлари ва таъминот ташкилотларининг даромади бундан мустасно.

Ривожланаётган давлатларда аксарият ҳолатларда аниқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бевосита даромаддан, шахсдан, шахсий ва кўчмас мулкдан айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан ва билвосита солиқлар (ҚҚС, даромад солиғи, акциз, божхона божлари, муайюан маҳсулотга тегишли божхона тўловлари, божхона тўловлари ва экспорт солиқлари)дан иборат қилиб белгиланган. Бевосита солиқлар тармоқлараро ресурс ўтказмаларисиз ҳам даромад келтиради гарчи, айрим солиқлар мамлакат ичидаги муайян вазиятлар таъсирида ўзгартирилса ҳам. Билвосита солиқлар ҳам даромадларни оширади лекин, ушбу солиқлар истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга ўтказилиши сабабли, тармоқлараро ва шахслараро пул ўтказмаларини келтириб чиқаради.

Солиқлар, ривожланаётган давлатлар қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига салбий таъсир кўрсатадиган бевосита ва билвосита солиқларни ажратган ҳолда тадқиқ қилиш тавсия этилади:

Бевосита солиқларга қуйидагилар киради:

I. Даромад солиғи

- Ҳақиқий даромад;
- Тахмин қилинган даромад бўйича (ердан);
 - ер майдонига асосланади;
 - ижара даромадларига (йиллик ижара қиймати ёки сармоя қиймати);
 - ялпи ёки соф даромад қийматига;

II. Мол мулк солиғи турлари:

- мослаштирилган мавжуд майдонга асосланган;
- капитал (бозор) қийматига асосланган;
- ерни яхшилашга асосланган;

Билвосита солиқларларга қуйидагилар киради:

1. Ички савдо бўйича солиқ (даромад солиғи, товар айирбошлаш солиғи ва ҳ.к);
2. Ташқи савдо бўйича солиқ (импорт ва экспорт солиғи, бож);
3. Махсус маҳсулотларга аксиз солиғи;
4. Қўшилган қиймат солиғи;

Бевосита ва билвосита солиқларнинг бир неча турлари, тўғри ва тугалланган солиқ ставкаларидан фойдаланган ҳолда, ҳукуматнинг турли даражалари томонидан сақлаб турилади, баҳоланади ва бошқарилади. Бевосита ва билвосита солиқларни қўллаш лозим ёки лозим эмаслигини соҳада даромадни шакллантириш ҳолати, самарадорлик ва

тенгликка таъсири ва бошқарувнинг осон ва кам харажатлилиги билан таҳлил этиш мумкин. Бир неча сабабларга кўра солиқларнинг энг мақбул қўллашни яратиш деярли иложсиздир. Солиқ мақсадлари на аниқ белгиланган ва на мажбурий эмас, бу ерда солиқ воситалари ва солиқ маъмуриятининг институтсионал салоҳияти ўртасида келишмовчиликлар мавжуд ва улар улкан чекловлардан биридир. Билвосита солиқларнинг асосий ижобий томони ушбу солиқ катта миқдорда давлат даромадларини шакллантириши мумкинлиги ҳамда содда ва кам харажат бошқарувидадир. Аммо, билвосита солиқлар самарадорлик ва даромадларнинг тармоқлараро (шахслараро) тақсимотига салбий таъсир кўрсатади, сабаби улар олдинлаб кетиши ёки бўлмаса аксинча ортда қолиб кетиши мумкин.

Солиқ алмаштириш даражаси талаб ва таклифнинг мослашувчанлигига боғлиқдир. Агар маҳсулот ва хизматлар учун таъминот мослашувчанлиги юқори ва таклиф мослашувчанлиги паст даражада бўлса, солиқ тўловчи харидор харид қийматини пасайтириши ёки солиқ тўловчи сотувчи сотиш қийматини ошириши мумкин. Аксарият ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ички бозорга сотиладиган маҳсулотларни сотишда солиқларга дуч келмайди. Акциз солиқлари (истеъмол солиғи сифатида) чекланган миқдордаги маҳсулотларга катта миқдорда даромад олиш учун қўлланилади, акциз солиғи асосий экспорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига йўналтирилади ва уларнинг даромадлари экспорт қилинадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва самарадорлигини ошириш учун фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортига белгиланган солиқлар давлат даромадларини асосий манбаи сифатида ҳамда унинг фермерларнинг рағбатлантирилишига таъсири адабиётларда кенг муҳокама қилинган. Фермерларга машиналар, ўғитлар, пеститсидлар ва бошқа шу каби харид қилинган баъзи оралиқ товарларга белгиланган импорт божлари таъсир кўрсатади. Лекин, юқори баҳоланган валюта курси ҳамда қишлоқ хўжалиги кредити субсидиялари ва энергия маҳсулотлари солиқ таъсиридан кўрилган зарарни қисман қоплайди. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун қўлланиладиган бевосита солиқлар билвосита солиқлар каби ҳаракатчан эмас, ўз навбатида, ер бозорида рақобат бўлмаса ҳам ер солиғи ижарачилар ва ердан фойдаланувчилар учун ўзгартирилиши мумкин. Юқоридаги жумладан кўринадик, ер таъминоти нисбатан чекланган бўлиб, ижарачилар ва ердан фойдаланувчиларнинг ташкилий масалалар яхши йўлга қўйилмаган.

Даромад, шахсий ва мол-мулк солиқлари бозор ва ишчи кучи таъминотига таъсир ўтказиши мумкин. Бу шуни кўрсатадики, мукамал ишлаб чиқилган ер солиғи самарадорликни ва ернинг сифатини ошириши ҳамда ердан фойдаланишни тартибга солиши мумкин. Бевосита солиқлар билан боғлиқ асосий муаммолар шундаки, улар кучли ва оммавий қаршилиқларга дуч келмоқдалар, уларни баҳолаш қийин ҳамда уларни жорий этиш ва бошқариш ҳукумат учун етарлича юқори сарф-харажатлар билан амалга оширилмоқда. Бевосита солиқлар жуда махфийлиги ва билвосита солиқлар мавжудлиги, харажатлар ва имтиёзлар солиқ тўловчиларга маълум бўлмаслиги ҳамда солиқ маъмурияти бузилганлиги ёки коррупциялашганлиги сабабли қаршилиқлар мавжуд.

Мавжуд сабабларга кўра қишлоқ хўжалигидан топилган даромадларини ҳисоблаш жуда қийин. Биринчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг катта қисми кичик ҳажмда амалга оширилади. Иккинчидан, маҳсулотнинг катта қисми сотилмайди аксинча истеъмол қилинади. Учинчидан, харажатлар, чиқимлар миқдори ва бозорга чиқарилган маҳсулотлар учун ҳеч қандай ҳисоб юритилмайди. Тўртинчидан, ер участкалари кўплиги натижасида кирим ва чиқимларда тақсимлаш мураккаблиги. Бешинчидан, реал даромадни текшириш қийматининг юқорилиги. Шунинг учун ҳам давлатлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва ушбу ерлардан келадиган тахминий прогнозлаш даромадларга асосланади. Турли даражадаги давлатлар ҳам ернинг қийматини мол-мулк солиғининг асоси сифатида фойдаланганлар. Сўнги муаммолардан бири солиқ органлари ва бошқарувидир. Деярли барча мамлакатларда солиқ органлари миллий, вилоят ёки минтақавий ва туман (шаҳар)

даражаларга бўлинади. Одатда ҳукуматнинг энг юқори даражаси солиқларни ўрнатади. Бироқ, турли давлат бошқарув органлари ўртасида фискал кучларнинг конституциявий ва ҳуқуқий бўлинишига қараб очиқ солиқлар турли йўллар билан тадбиқ этилади ва кўлланилади. Одатда юқори ҳукумат солиқ тушумлари ва уларни ҳукуматнинг қуйи даражаларига тақсимлаш борасида назоратни амалга оширади. Маъмурий тузилмалар солиқларни баҳолаш ва йиғиш ишларини самарали ташкил этишда ҳаракатлар мувофиқлашмаганлиги, ресурслар танқислиги, самарасиз ва кам ҳақ тўланадиган ходимлар туфайли муаммолар юзага келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун солиқларнинг даражаси ва тузилиши қуйидагилар билан изоҳланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан экспорт даромадлари юқори бўлсада, кўплаб мамлакатлардаги иқтисодий диверсификация туфайли қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камайтирмоқда (1-жадвал).

1-жадвал (2017 йил ҳолатига)

№	Давлатлар	Ялпи ички маҳсулот (млн. доллар)	Қишлоқ хўжалигининг улуши (%)	
			Ялпи ички маҳсулотда	Экспортда
Африка минтақаси				
1.	Сомали	7,369	60.2%	90%
2.	Чад	9,740	59%	40%
3.	Замбия	25,580	5.4%	10%
4.	Либия	33,310	1.3%	2.1%
5.	Кеня	78,290	35.3%	45.12%
6.	Зимбабве	17,110	12.5%	42%
Осиё минтақаси				
1.	Ҳиндистон	2,439,000	15.4%	12.8%
2.	Филиппин	313,400	9.6%	9.7%
3.	Непал	24,070	27%	14%
4.	Қозоғистон	156,200	4.8%	13.4%
5.	Бангладеш	246,600	14.2%	4,6%
Лотин Америка минтақаси				
1.	Парагвай	68,330	17.9%	32.7%
2.	Панама	59,050	2.4%	17.8%
3.	Венесуелла	215,300	4.4%	1,8%
4.	Колумбия	307,500	7.4%	6.5%
5.	Уругвай	60,270	6.2%	22.6%
6.	Чили	263,200	4.4%	15.3%

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, лотин Америка, Осиё ва Африка минтақасида жойлашган аксарият мамлакатлар экспортида қишлоқ хўжалигининг улуши ялпи ички маҳсулотдаги улушига нисбатан юқори кўрсаткичга эга. Чад, Ҳиндистон, Непал, Бангладеш, Венесуелла ва Колумбия мамлакатлар экспортида қишлоқ хўжалиги нисбатан пастроқ. Бундан кўриниб турибдики, юқоридаги мамлакатлар экспорти кўпроқ саноат маҳсулотлари ва хизматлар экспортига таянади.

Қишлоқ хўжалигига солиқ солиш бўйича ҳар қандай муҳокамаларда фермерларга даромад келтирадиган табиий (тупроқ ва сув), институционал (ерга эгалик), бозор ва технологик шароитларни ҳисобга олиш зарур. Ривожланаётган давлатлар орасида ушбу шарт-шароитлар жуда катта фарқ қилсада, ҳар бир мамлакатда айрим умумий хусусиятлар мавжуд.

Осиё ва Лотин Американинг кўпчилик давлатларида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг катта қисми кичик ер участкаларига эгалик қилади ёки ижарада фойдаланади. Оилавий меҳнатдан улар кўп даромад топмайдилар, улар асосан ёлланма ишчиларни ишлатиш ёки ерни ижарага бериб юқори улуш олиш орқари даромадларини шакллантиради. Ўзлаштирилган плантациялар ва тижорат фермерлари кам миқдордаги ерни эгаллаган бўлиши мумкин, аммо, ички ва ташқи бозор учун катта ҳажмдаги товарларни ишлаб чиқаради.

Аксарият мамлакатлар иқтисодиётида нақд бўлмаган (пластик карталар, пул ўтказмалари ва ҳ.к.) пулдан фойдаланиш имкониятлари кенгайганлиги кичик деҳқон хўжаликлари, фермерлар ва ижарачи деҳқонларнинг бозорга кириши ва даромад олиши маълум даражада чекланди. Бироқ, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг аксарият қисми кам миқдордаги ер майдони ва бошқа мол-мулки мавжуд ҳамда уларнинг даромадлари паст даражада. Бу ерда ривожланаётган мамлакатлар фермерлари томонидан тўланган аниқ солиқлар (бевосита ва билвосита) бўйича маълумотларда жиддий муаммолар мавжуд. Мисол учун, миллий солиқ маълумотлари манбалар ёки секторлар бўйича классификацияланмаган. Шунингдек, солиқ маълумотлари тўлиқ шакллантирилмаган, чунки ушбу маълумотларда солиқни баҳолаш ва ҳукумат ёки маҳаллий бошқарув органлари томонидан ундирилган солиқлар бўйича маълумотларни ўз ичига олмайди. Шу билан бирга, баъзи ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига ўрнатилган солиқлар бўйича тадқиқотлар сўнги йилларда қизиқарли тенденцияларни намоён этмоқда. Биринчидан, ер ва даромадга белгиланган бевосита солиқлар жами қишлоқ хўжалигидан келаётган фойданинг 0-20% ташкил этади, қолган қисми эса, ички ва ташқи бозорларда сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига белгиланган солиқлар ва йиғимлардан шаклланади. Иккинчидан, солиқ юки, қишлоқ хўжалиги солиқларининг жами даромаддаги улуши ва қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улушидан келиб чиқиб, бошқа гуруҳларга нисбатан қишлоқ хўжалигига пастроқ қилиб белгиланади. Бундан ташқари, бу юк сўнги йигирма йил ичида сезиларли камайди. Солиқ юкининг камайиши барча бевосита (даромад ва ер солиғи) ва билвосита (экспорт божлари) солиқлар пасайганлиги сабабли фермерлар томонидан тўланган солиқлар мос равишда пасайган.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига билвосита солиқлар ривожланаётган мамлакатларда ҳукуматлар сотилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини солиққа тортишдан келадиган даромадга қаттиқ таяниб қолган. Бунинг асосий сабаби, даромад ва ер солиқлари яъни бевосита солиқлардан келаётган тушумни оширишга қодир эмаслигидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, ички бозорда сотиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига уч хил солиқ умумий сотишдан олинадиган солиқлар, акциз солиғи ва экспорт ва импорт божлари мавжуд. Баъзи мамлакатларда истемолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун айрим қишлоқ хўжалиги товарларининг экспорти ва импорти бўйича миқдорий чекловлар мавжуд. Сўнги ўн йилда иқтисодиёт тизими ва экспорт тартибининг диверсификацияси сабабли, кўплаб ривожланаётган мамлакатларда билвосита солиқ юки пасайди.

Ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига жорий этилган бевосита солиқлар юзасидан қуйидаги учта кузатувни таъкидлаш лозим. Биринчидан, ҳалигача қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан даромад ва мулк солиқларини йиғиш яъни бюджетга кирим кирим қилиш мақсадида фойдаланилади. Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан мулк солиғини ундириш орқали баъзи юқори даромад қилаётган мамлакатлардан ташқари, ундирилаётган ер солиғидан келаётган даромадлар жами солиқ даромадларини жуда кам қисмини ташкил этади. Учинчидан, Осиё, Лотин Америкаси, Яқин шарқ ва шимолий Африка давлатларида юқори даромад ва мулк (ер) қишлоқ хўжалиги йўналишига тегишлидир. Кўпчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кичик майдондаги ердан фойдаланади ва кам миқдорда даромад

кўради. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бевосита солиқлардаги улуши нисбатан пастлигининг қуйидаги сабаблари мавжуд: йирик ер эгалари томонидан қаттиқ сиёсий қаршилик кўрсатилиши, юкори маъмурий харажатлар (даромад ва мулк миқдорини текшириш, солиқ мажбуриятларини баҳолаш ва солиқ йиғиш), давлат томонидан инвестицияларнинг камлиги ва давлат хизматлари яхши эмаслиги ва бевосита солиқларнинг мавжуд юки. Қуйидаги жадвалда айрим танланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун жорий этилган солиқларни кўриб чиқамиз (2-жадвал)

2-жадвал

**Мамлакатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари
учун жорий этилган солиқлар**

Давлат номи	Солиқ тури	Солиқ базаси	Баҳолаш тури	Сарфланиши
Индонезия	Ер солиғи	Сотиш қиймати (хар 3 йилда ернинг сотиш қиймати баҳоланади)	Миллий	Туман манфаатлари учун
Филиппин	Ер солиғи	Солиқ қиймати = 2% (ернинг бозор қийматидан)	Миллий	Туман манфаатлари учун
Аргентина	Ер солиғи	Кадастр баҳоси	Миллий	Виловат мақсадлари учун
	Ер солиғи	Кадастр баҳоси		Туман манфаатлари учун
	Мулк солиғи	75% бозор баҳосидан		Виловат мақсадлари учун
Чили	Ер солиғи	10% фискал баҳосидан	Миллий	Давлат мақсадлари учун
	Ер солиғи	Кадастр баҳоси		Давлат мақсадлари учун
Колумбия	Ер солиғи	10% фискал баҳосидан	Миллий	Давлат мақсадлари учун
	Мулк солиғи	Кадастр баҳоси	Мустикал	Давлат мақсадлари учун
Эквадор	Мулк солиғи	40% тижорат қийматидан	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Уругвай	Ер солиғи	Кадастр баҳоси (0.9-3.8%)	Миллий	Давлат мақсадлари учун
	Мулк солиғи	Кадастр баҳоси (0.9-12.5%)	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Эфиопия	Ердан фойдаланганлик учун ҳақ	Ер майдони (гектарига 2-10 бирр ¹)	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Бангладеш	Ер солиғи	Ер майдони	Миллий	Туман манфаатлари учун
	Мулк солиғи	Гектар баҳоси		Виловат мақсадлари учун
Ҳиндистон	Ер солиғи	Ижарадаги ҳар бир гектар ер майдони(штат бўйича турлича миқдорда белгиланади)	Штатлар томонидан	Виловат мақсадлари учун
	Мулк солиғи	Бир гектар ернинг рупидаги ² қийматидан	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Малайзия	Ер солиғи	Экин майдони (2,5-10 рингит ³ ҳар бир гектаридан, штатлар бўйича турлича)	Штатлар томонидан	Туман манфаатлари учун
Покистон	Ер солиғи	Экин ва ер майдони	Виловатлар томонидан	Давлат мақсадлари учун
	Мулк солиғи	Ер майдони (штатлар бўйича турлича)	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Шри-Ланка	Ер солиғи	Ер майдони (15 рупи гектарига)	Миллий	Туман манфаатлари учун
	Мулк солиғи	Ернинг бозор қиймати	Миллий	Давлат мақсадлари учун
Миср	Ер солиғи	Ер майдони ижараси (экин майдонларидан 14%, боғзорлардан 40%)	Миллий	Туман манфаатлари учун

Изоҳ: жадвал муаллифлар томонидан интернет маълумотлари асосида тузилган.

Жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, аксарият мамлакатларда ерга бўлган мулк ҳуқуқи мавжудлигини, ер солиғи миқдорлари ҳудудий табақалаштирилганлигини, ер майдонидан, айрим мамлакатларда эса, ернинг бозор қийматидан келиб чиқиши маълум бўлди.

¹ Бирр Эфиопия пул бирлиги.

² Рупи Ҳиндистон пул бирлиги.

³ Рингит Малайзия пул бирлиги.

Албатта солиқлар давлат бюджетини асосий ташкил этувчиси бўлганлиги сабабли, ушбу масалага ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёндошади.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалардан фарқли равишда мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги секторида ўз йўли ва услубига эгадир. Ҳозирги даврда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги секторида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда, албатта таъкидлаш жоизки ушбу ўзгаришлар ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш орқали амалга оширилмоқда, самарасиз услублардан воз кечиб, самарали услублар жорий этилмоқда. Маълумки, ҳар бир соҳанинг барқарор ривожланишида унинг иқтисодий ҳолати энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ҳар қандай ўзрагиш, ривожланишнинг молиявий асоси мустаҳкам бўлмаса у қутилган самарани бермайди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтаришда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини молиявий ҳолатини мустаҳкамлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур йўналишда мамлакатимиз томонидан кенг кўламдаги ҳаракатлар амалга оширилмоқда жумладан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоқларида сердаромад, экспортбоп мева-сабзавотлар, озуқабоп экинлар экилиши йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми юксалди. Айни кунда юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг деярли барча қитъаларига экспорт қилинмоқда. Чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида балиқ, асаларичилик, парранда, эчки, зотдор қорабайир отлар, қорамол боқишга ихтисослашган хўжаликлар фаолияти кенг йўлга қўйилди.

Аmmo бу ютуқлар шиддат билан ўзгариб ва янгиланиб бораётган бугунги глобаллашув шароитида хотиржам бўлишимиз учун асос бўла олмайди, албатта. Боиси қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар, ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида ҳақиқий ҳолатни, ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати бўйича янги таъсирчан чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 17 апрель кунги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони айнан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги эзгу ташаббусларни тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳуқуқий ҳужжатда юртимизда қишлоқ ва сув хўжалигини бугунги кун талаби даражасида ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш бўйича кенг кўламда ишлар олиб бориш кўзда тутилган.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бозор муносабатлари механизмларини жорий этишда фермер хўжаликлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилиш, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқлари, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илғор тажрибаларни ижорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш устувор жиҳат сифатида қайд этилди.

Шу билан бирга, давлатимиз томонидан маҳалий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, айниқса янги узилган мева-сабзавотларни хорижий бозорларга экспорт қилишда янада қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳалий маҳсулотларни экспорт қилиш учун тадбиркорларимизга қўшимча имтиёзларни жорий этиш борасида қатор амалий ишлар бажаралди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалий экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги 2017 йил 21 июндаги ПҚ-3077-сонли Қарорига мувофиқ маҳалий тадбиркорлик субъектларига янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини тўғридан-тўғри

хорижий бозорларга экспорт қилиш имконияти яратиб берилди. Натижада 2018 йилда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 132 минг тоннаси қайта ишланиб, 100 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. 856 миллион доллар валюта эвазига 724 минг тонна хўл мева чет эл экспорт қилинди. Албатта, кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бу кўрсаткичлар келгуси йилларда бир неча маротаба ортишига ишонч билдирамиз.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланганлик учун ягона ер солиғи жорий этилган. Қонун ҳужжатларига асосан, ягона ер солиғининг миқдори қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив баҳосидан 0.95% қилиб белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг 27-моддасига асосан фермер хўжаликлари ягона ер солиғини тўлаш билан бирга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлаши шартлиги белгиланган. Маълумки, ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги секторига жорий этилган солиқлар кўпроқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантиришга йўналтирилган. Аммо республикада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини аниқ мақсадли рағбатлантириш механизми йўлга қўйилмаганлиги қишлоқ хўжалиги ерларининг сифатини ёмонлашуви натижада ердан фойдаланиш самарадорлигига салбий таъсир этаётганини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотларига асосан 2017 йилда республикада барча қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати 29999,3 млрд сўмга баҳоланган бўлиб, ушбу қийматга асосан мамлакат бюджетига жами 284,993335 млрд сўм кирим бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юзасидан бир қанча салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ерларидан узоқ йиллар давомида тартибсиз фойдаланилгани қишлоқ хўжалиги ерларининг сифатини анча пасайишига сабаб бўлган дейиш мумкин. Ушбу ерларнинг унумдорлигини тиклаш жуда катта сарф харажатларни талаб этади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш бевосита ердан фойдаланувчининг иқтисодий ҳолатига боғлиқдир. Албатта ердан фойдаланувчи яъни фермерларнинг молиявий ҳолати яхши бўлса, у мелиоратив тадбирларни тизимли ташкил этади натижада ердан фойдаланиш самарадорлиги ортиб фермерда янги мақсадлар учун капитал шаклланади. Ҳозирги кундаги мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги асосий муаммоларидан бири фермерларнинг молиявий ҳолати яхши эмаслигидир, натижада мелиоратив тадбирлар муддатидан кечикиб ёки умуман амалга оширилмапти бу эса, фермер хўжалиги даромадларини камайтирмоқда. Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тизимини тубдан такомиллаштириш, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

– дастлаб, мамлакатимизда ер ресурсларидан фойдаланишни ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, ер ресурсларидан фойдаланишда самарали ҳуқуқий механизмларини шакллантириш, янги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий негизларини ишлаб чиқиш зарур.

– қишлоқ хўжалиги секторига давлат аралашувини кескин камайтириш ва қатъий тартибга келтириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама эркинлигини таъминлаш;

– қишлоқ хўжалиги секторига солиқ юкини камайтириш, имтиёزلарни кенгайтириш, солиқ тизимида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи аниқ ва натижавий механизмларни жорий этиш.

– қишлоқ хўжалигини ўсишида, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўналишида Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ миқдорини кескин ошириш лозим

чунки, ҳозирги сарфланаётган маблағ республикамизнинг барча ҳудудида тадбирларни молиялаштиришга етарли бўлмаётганлиги маълум.

– қишлоқ хўжалиги соҳасига сўнги инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор ва имкониятлар яратиш ҳамда илмий ёндашувни кучайтириш механизмларини ишлаб чиқиш.

– қишлоқ хўжалиги ерларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланишда қатъий давлат назоратини ўрнатиш.

Хулоса. Мақолада баён этилганидек ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига оид солиқ тизимига ҳукумат томонидан сиёсий мақсадларда аралашувлар мавжуд. Қишлоқ хўжалиги ерларига ва даромадларига белгиланган солиқлар мамлакат даромадларини ўсиши, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланиши ҳамда самарадорлик ва тенгликни таъминлашини ҳисобга олган ҳолда мамлакатлар томонидан қишлоқ хўжалиги секторига билвосита ва бевосита солиқ юкини тўғри камайтирилганлигини таъкидлаш лозим. Қўшимча бевосита солиқлар шуни кўрсатадики, аксарият мамлакатларда бюджет тақчиллиги мавжуд шунинг учун ҳам, улар қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга инвестиция киритиши мақсадга мувофиқдир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ер қийматининг ўсиши ва қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг тижорий даромадларини ортишини ҳисобга олиб мамлакатлар улкан даромад потенциалига эгадирлар. Жамиятда солиқ мажбуриятларини белгилашда горизонтал ва вертикал тенглик муаммосини ҳам инобатга олиш зарур.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантириш, ерлардан янада самарали фойдаланишни ташкил этиш борасида кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда ердан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳолати муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, ердан фойдаланишнинг кластер услубига ўтиш амалга оширилмоқда. Албатта, қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантиришда ҳукуматнинг фаолияти аҳамиятлидир. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан сўнг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ривожлантириш, ердан максимал самарали фойдаланишни ташкил этишда дастлаб, мамлакатимизда ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига давлат аралашувини кескин камайтириш, ушбу йўналишда ҳуқуқий асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш, янгилаш ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб қайта қабул қилиниши лозим. Мисол учун муҳим ҳужжат ҳисобланган амалдаги ер кодексининг айрим моддаларини янгилаш, уларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиқиб, ислохотларга мутаносиб равишда белгиланиши қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги асосий ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги секторига солиқ юкини қайта кўриб чиқиш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларига ердан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилувчи аниқ ва самарали рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Пировардида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги сектори тез суратда иқтисодий тикланиши бу эса, тармоқ ривожланишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (асосий қонун). – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Тошкент: Адолат, 2011.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Тошкент: Адолат, 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сон Қарори (2014 йил 18 август).
7. Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини эркинлаштиришнинг иқтисодий механизми. Тошкент: Фан, 2009. (97, 98, 111 бетлар).
9. “Агро Илм” аграр-иқтисодий, илмий-амалий журнали. 2018.